БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 259 (17.541). • 11 ноябрь 1979 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг ўнинчи сессияси 1979 йил 7 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1979 йилги плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

Ўзбекистон ССРнинг 1980 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССР 1978 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1979 йил 9 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

ЧОРВАДОРЛАР ВА САБЗАВОТКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1979 йил 1 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Фарғона области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Умаров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Рустамов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ганиев). Бу область октябрь ойида энг юқори ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 99,5 процент, сут тайёрлашни 94,8 процент, тухум тайёрлашни 95,1 процент, жун тайёрлашни 112,2 процент бажарган;

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов). Бу область октябрь ойида юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 91,6 процент, сут тайёрлашни 103,5 процент, тухум тайёрлашни 84,6 процент, жун тайёрлашни 116,2 процент бажарган;

Сирдарё областининг **Комсомол райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Омонликов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сатторов). Бу район октябрь ойида яхши ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 127,2 процент, сут тайёрлашни 103,8 процент, тухум тайёрлашни 143 процент, жун тайёрлашни 116 процент бажарган;

Бухоро область **Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхози** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Норпўлатов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шаропов). Бу колхоз октябрь ойида юксак ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 108,1 процент, сут сотишни 100,4 процент, тухум сотишни 110 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади ва бўлди:

Қашқадарё областининг **Нишон райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Хушназаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Саломов). Бу район октябрь ойида юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 112,9 процент, сут тайёрлашни 103,5 процент, тухум тайёрлашни 161,5 процент, жун тайёрлашни 114,7 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССРнинг **Нукус райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Полвониёзов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Темирхонова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нурмбетов). Бу район октябрь ойида юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 122 процент, сут тайёрлашни 87,4 процент, тухум тайёрлашни 132 процент, жун тайёрлашни 120,7 процент бажарган. Байроқ Намаган областининг Косонсой районидан олиб берилади;

Самарқанд область, **Самарқанд районидаги Улуғбек номли хўжаликлараро чорвачилик комплекси** (директори ўртоқ Кан, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зульфанов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Тўраев). Бу комплекс октябрь ойида юксак ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт топшириш йиллик ҳажмини 113 процент бажарган. Байроқ Андижон область, Пахтасбод районидаги Еқубов номли колхоздан олиб берилади;

Наманган область, **Наманган районидаги «Ленинград» колхози** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Мамажонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жўраев). Бу колхоз октябрь ойида яхши ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 106,5 процент, сут сотишни 95 процент, тухум сотишни 122,7 процент, жун сотишни 103,3 процент бажарган. Байроқ Наманган область Уйчи районидаги Ленин номли колхоздан олиб берилади;

Тошкент область, **Калинин районидаги «Рассвет» совхози** (совхоз директори ўртоқ Содиқов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шишкина, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Хусамедулин). Бу совхоз давлатга гўшт топшириш йиллик ҳажмини 134,4 процент, шу жумладан октябрь ойи планини 188 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё область, Қумқўрғон районидаги «Ўзбекистон» совхозидан олиб берилади;

Сурхондарё область, **Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхози** (совхоз директори ўртоқ Омонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маллаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Назаров). Бу совхоз давлатга гўшт топшириш йиллик ҳажмини 106 процент, сут топширишни 161,6 процент, тухум топширишни 106,7 процент, жун топширишни 112,2 процент бажарган. Байроқ Хоразм область, Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхозидан олиб берилади;

Тошкент область, **Калинин районидаги «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига қарашли «Қорасув» совхози** (совхоз директори ўртоқ Албеков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ёқубова, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Нишонов). Бу совхоз октябрь ойида юксак ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт топшириш йиллик ҳажмини 120 процент, сут топширишни 99 процент бажарган. Байроқ Самарқанд область, Булунғур районидаги «Булунғур» совхозидан олиб берилади;

Сирдарё область, **Оқолтин районидаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Ворошилов номли совхоз** (совхоз директори ўртоқ Латипов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қулқораев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Шодиев). Бу совхоз октябрь ойида яхши ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт топшириш йиллик ҳажмини 142 процент, сут топширишни 100,7 процент бажарган. Байроқ Жиззах область, Арнасой районидаги Тимошенко номли совхоздан олиб берилади;

Янгиўл бройлер парранда-чилик фабрикаси (фабрика директори ўртоқ Шафиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Холмирзаев, маҳаллий комитетнинг раиси ўртоқ Черемисина). Бу фабрика тухум реализация қилиш йиллик ҳажмини 367 процент, шу жумладан октябрь ойида 120 процент,

(Давоми учинчи бетда).

ИККИ ОБЛАСТЬ ҒАЛАБАСИ

ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё областининг пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллигини муносиб ёздириб, 7 ноябрь куни 1979 йилги пахта тайёрлаш жами ҳажми юзасидан белгиланган планни бажардилар.

Ватан омборига Қашқадарёдан ярим миллион тоннадан кўпроқ, шу жумладан 67 минг тонна қимматбаҳо нигичка толали нав пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 27 центнерга етди.

Меҳнат ғалабасига КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг доимий меҳрибонлиги ва ёрдами натижасида, ўзларининг юксак уюшқоқлиги, мардлиги ва маҳоратини табиат инжиқликларига қарама-қарши қўйишга муваффақ бўлган область колхозчиларининг, совхоз ишчиларининг, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Областдаги ҳамма районлар, колхоз ва совхозлар планни бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Шаҳрисабз районининг пахтакорлари 58 минг тонна, Нишон районининг пахтакорлари 55, Косон районининг пахтакорлари 50, Усмон Юсупов районининг пахтакорлари 49, Ульянов районининг пахтакорлари 43, Қарши районининг пахтакорлари 40, Қамаши районининг пахтакорлари 36, Чироқчи районининг пахтакорлари 37, Яккабоғ районининг пахтакорлари 39, Ғузор районининг пахтакорлари 35, Китоб районининг пахтакорлари 23, Баҳористон районининг пахтакорлари 17, Муборак районининг пахтакорлари 15 минг тонна пахта тайёрладилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида катта муваффақиятларга эришилди. Давлатга дон, себзавот, картошка, мева, узум, шолла сотиш мажбуриятлари оширib бажарилди. Гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш муваффақиятли давом этмоқда. Чорва ва парранда сони кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. 1 миллион тонна хашак, 430 минг тонна силос тайёрланиб, салкам икки йиллик план миқдорида ем-хашак ғамлаб олинди.

Область пахтазорларида давлатга камида 100 минг тонна қўшимча хом ашё топшириш, шу тариқа бу йилги ялпи ҳосилни 600 минг тоннага етказиш учун шиддатли кураш давом этмоқда.

Шу билан бирга 1980 йилги ҳосил учун мустаҳкам замин яратиш йўлида катта иш олиб борилмоқда, кузги экинлар экилмоқда, чорва қишловига обдон тайёргарлик кўрилмоқда.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози пахтакорлари ғаниматдан фурсатлардан унумли фойдаланиб, теримни жадаллаштирмоқдалар. Пахтазорларда теримн агрегатлари юксак унум билан ишлатилмоқда. 25 турсунойчи қизлар мусобақасида Ҳаловат Пирова пешқадамлик қилляпти. У мавсумда 600 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Суратда: илғор механизатор Ҳаловат Пирова.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг йўл-йўриқларини изчиллик билан амалга ошира бориб, бу йилги мисли кўрилмаган оғир шароитларда мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва 9 ноябрь куни катта меҳнат ғалабасига эришдилар — 1979 йилги пахта тайёрлаш умумий ҳажмини бажардилар.

Область колхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 420 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бердилар.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона ва қаҳрамонона меҳнати туфайли областда пахта майдонининг ҳар гектаридан 30,9 центнердан ҳосил олинди. Давлатга пахтанинг 87 процентн биринчи сортларга топширилди, ҳосилнинг 80 процентн ёки 338 минг тоннаси машинада терилди.

Ҳамма районлар область пахтакорларининг меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бўка районининг хўжаликлари 71 минг, Бекобод районн 61, Ғалаба районн 60, Оққўрғон районн 59, Ўрта Чирчиқ районн 42, Пискент районн 41, Янгийўл районн 31, Чиноз районн 31, Коммунистик районн 26 минг тонна пахта тайёрладн.

Ғалаба районининг пахтакорлари ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 39,2 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилнинг 86 процентдан кўпроғини механизмлар ёрдамида териб олиб, ажойиб муваффақиятга эришдилар.

Областдаги барча шаҳарлар ва район марказларидаги корхоналар, муассасалар, ўқув юртларининг коллективлари пахта тайёрлаш планинн бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан пахтакорларга ёрдамга келиб, ҳосил йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Область далаларида юксак меҳнат ғайрати жўш урмоқда, етиштирилган бутун ҳосилни йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш ва қўшимча равишда давлатга камида 35 минг тонна пахта топшириш учун сабот-матонат билан кураш олиб борилмоқда.

Областда давлатга ғалла, каноп пояси, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, шолла, жун сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар, картошка, мева, сут сотиш йиллик ҳажми муваффақиятли бажарилди. Умумиттифоқ фондига мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш плани анча оширib адо этилди.

Область колхоз ва совхозлари етиштирилган бутун пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширишни тугаллаш ишлари билан айни бир вақтда 1980 йил ҳосили учун, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун кузги-қишки тадбирлар комплексини авж олдириб юбордилар.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 ноябрга бўлган
МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар: иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий гайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҚҚАССР	0,71	110,42	0,70	100,62
БУХОРО	0,47	104,29	0,76	87,31
ҚАШҚАДАРЁ	0,45	100,90	0,63	80,26
ТОШКЕНТ	1,34	100,18	1,59	98,07
Сирдарё	0,86	94,91	0,49	85,12
Сурхондарё	0,55	91,28	0,50	66,59
Хоразм	1,20	86,89	1,56	82,37
Жиззах	1,14	86,00	0,70	84,29
Наманган	0,53	72,89	0,78	71,77
Фарғона	0,65	71,39	1,04	52,44
Андижон	0,62	70,42	0,71	59,25
Самарқанд	1,41	68,41	1,56	50,70
Республика бўйича:	0,79	86,10	0,93	75,46
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,66	82,54	0,52	65,70
Қашқадарё	1,02	76,28	1,27	69,67
Бухоро	1,24	75,48	1,69	28,11
Наманган	0,80	56,31	2,00	39,43
Республика бўйича:	0,82	79,73	0,87	63,84

Республика матбуот маркази хабар қилади

Ўтган куни республикамизда 44988 тонна «оқ олтин» тайёрланди, шундан 2603 тоннаси нигичка толали пахта.

Шунча пахтанинг 34420 тоннасини механизаторлар териб беришди. Улар мавсум бошидан буён 2,8 миллион тонна пахтани агрегатлар бункеридан бўшатишди.

Пахта йиғим-теримини ҳар томонлама жадаллаштирайлик. Бу биринчи навбатда йиллик планга нисбатан кунлик ўсишда 0,5-0,6 процентга эришаётган Наманган, Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва бошқа областларнинг пахтакорларига тааллуқлидир.

Йиллик планни муддатидан илгари бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент областларининг пахтакорларига тенглашингиз!

МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Қорақалпоғистон АССР колхозлари ва совхозларининг механизаторлари машинада пахта териш планини бажардилар. «Зангори кема»лар бункеридан 265 минг тонна дур бўшатилди. Бу жами ҳосилнинг 65 процентини ташкил этади. Автоном республиканинг олти райони механизаторлари социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар.

* * *

— «Машинада пахта териш плани бажарилди! — Сурхондарё областининг Шеробод райони механизаторлари шундай демоқдалар. Район хўжаликларида агрегатлар бункеридан 26,5 минг тонна дур-жавоҳир бўшатилди. Ҳар бир агрегат билан ўрта ҳисобда 105 тоннадан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бу улкан ғалабага Усмон Юсупов номли ва «Октябрь 60 йиллиги» совхозларининг механизаторлари муносиб улуш қўшдилар. «Октябрь 60 йиллиги» совхозидан Норой Ҳайдарова ва Дўстмурод Муродов каби механизаторлар қўлга киритган ютуқ, айниқса, қувончлидир. Улар бугунгача 370-400 тоннадан пахта териб бердилар.

ҚАРШИЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Қарши районн деҳконлари она-Ватанга 40 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этиб, белгиланган топшириқни шараф билан бажардилар. Бунда, айниқса, «Ленин йўли», «Москва», Собир Раҳимов номли ва «Октябрь 60 йиллиги» совхозларининг муносиб улуши бор. Район механизаторлари ўз агрегатлари билан қарийб 21 минг тонна «оқ олтин» териб беришди. Йиғим-терим қизғин давом этмоқда.

* * *

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли кўрик совхозларининг пахтакорлари давлатга 456 минг тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 9 ноябрда бажардилар. Жами ҳосилнинг 340 минг тоннаси агрегатлар ёрдамида йиғиб-териб олинди. Кўрик совхозларнинг пахтакорлари ялпи ҳосилни 500 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

* * *

Жиззах область Зомин райони деҳконлари пахта тайёрлаш йиллик планларини муддатидан илгари оширib бажардилар. Она-Ватан зоминликлардан 8574 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Район заршунослари яна тайёрлов пунктига 2,5 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

* * *

Боғот районидаги Нариманов номли колхоз меҳнат аҳли давлат қабул пунктига 8300 тонна «оқ олтин» топширib, йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Ҳар гектар майдондан 41 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Колхоз заршунослари ялпи ҳосилни 9300 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

* * *

Пахтачи районидаги Киров номли колхоз заршунослари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватанга 4720 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ШАҲАРЛИКЛАР!

Фарғона области далаларида шу кеча-кундузда ўн минглаб шаҳарликлар пахтакорлар билан бир сафда туриб меҳнат қилишмоқда. Улар бир кунда ўртача 550 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб беришмоқда.

* * *

Пахта йиғим-теримида Андижон шаҳар студентлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Калинин номли медицина институтининг студентлари мавсумда 9 минг тонна пахта териб бериш мажбуриятини олганлар. Ҳозиргача улар терган пахта қарийб 6,5 минг тоннани ташкил этади.

Андижон педагогика институтининг талабалари ҳам пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳозиргача улар 2 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» териб беришди.

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА АҲДИГА ВАФО ҚИЛДИ

ЧИНОЗ (Тошкент области), 10 ноябрь. (ЎзТАГ). Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири Турсуной Охунова социалистик мажбуриятини бажарди. Унинг бригадаси давлатга 84 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 36 центнер ўрнига 60,1 центнердан пахта топширди, ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Бу йилги куз мавсуми — Турсуной пахта териш агрегатини бошқара бошлаганидан кейинги йигирма олтинчи йиғим-терим мавсумидир. Бу йил у ўз машинасида 452 тонна— қарийб тўрт мавсум нормасига тенг миқдорда пахта тердн. Айрим кунлари Турсуной 30 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» териб берди.

Бу йил Турсуной Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика институтида ишлаб чиқилган янги такомиллаштирилган шпинделли агрегатда ишлади. Бу шпинделлар ўзини-ўзи тозалайди, уларни одатдагидан камроқ ювишга тўғри келади, пахтани ҳам тўкиб кетмайди.

Ҳозир бу ерда кўсак териша бошланди. Т. Охунова бригадаси гектар бошига яна 5 центнердан пахта териб, ҳосилдорликни 65 центнерга етказишга аҳд қилди.

ҲАМИША ПОСТДА

Ўзбекистон жамоатчилиги Совет милицияси кунини кенг нишонлади. Республика меҳнаткашлари ҳуқуқтартибот соллатларини байрам билан самимий қутлаб, қаҳрамонона ва олижаноб меҳнатларида уларга янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар. Шу куни юзлаб кишилар Ўзбекистон милицияси тарихи ва жанговар шуҳрати халқ музейини, унинг Қорақалпоғистон пойтахтидаги, Самарқанддаги, Андижондаги филиалларини бориб кўрдилар.

Тошкентда совет милициясининг 62 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди. Республика ички ишлар министри Қ. Эргашев доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

СИЗНИ КУТМОҚДАМИЗ, ОЗАРБАЙЖОНЛИК ДЎСТЛАР!

Республика пойтахти декабрь ойида азиз меҳмонларни — Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларини кутиб олади. 10 ноябрь куни икки қардош республикалар дўстлигининг ана шу байрамига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев олиб борди.

Республика министрликлари ва идоралари, ижодий союзлари раҳбарларининг дўстлик байрамига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисидаги ахборотлари тингланди, адабиёт ва санъат кунлари штабининг состави тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ ИСПАНИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Испания ҳукуматининг таклифига биноан шу йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Испанияга боради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Ануфрий Иосифович Жуков узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 66 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИГА МЕҲНАТДАГИ ЖУДА КАТТА ЮТУҚЛАРИ УЧУН 1979 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг ҳамда касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Советининг тавсиясини кўриб чиқиб, 1979 йилги СССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга **қарор қиладилар:**

1. «КрасноярскГЭСстрой» бошқармасига қарашли 1-асосий иншоотлар бошқармаси комплекс бригадасининг бригадири **Михаил Петрович Машченко**га, «Свердловэнерго» район энергетика бошқармасига қарашли Среднеуральск ГРЭСи энергетика блокларининг катта машинисти **Александр Вениаминович Курочкин**га, «Башкирэнерго» район энергетика бошқармасига қарашли Совет Бошқирдистонининг 50 йиллиги номли Карманов ГРЭСи энергетика блокларининг катта машинисти **Анас Галимзянович Сабирзянов**га, «Электроизолит» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўровчиларининг бригадири **Зинаида Васильевна Бакулина**га, Совет Украинасининг 50 йиллиги номли Ровно юқори вольтли аппаратлар заводининг созловчиси **Владимир Васильевич Веремеенко**га, Н. М. Шверник номли Ленинград «Электрик» заводининг йиғувчи-слесари **Евгений Михайлович Побужаев**га, прибор заводининг электрпайвандчиси **Игорь Павлович Лопаев**га, «Ленинградский металлический завод» турбосозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **Борис Мартинович Цалко**га, Октябрь 60 йиллиги номли Куса машинасозлик заводининг токари **Фаина Александровна Чучкалова**га, «Новокраматорск машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **Виктор Павлович Стрежак**ка, Южно-Уральск машинасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи **Василий Алексеевич Зайцев**га, «Звезда» ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Владимир Георгиевич Коновалов**га — меҳнатда жуда катта ютуқларга, турдош корхоналар коллективлари билан ижодий ҳамдўстлиги асосида энергетика ва оғир машинасозлик соҳасида юксак самарадорлик ва иш сифатига эришганликлари учун.

2. «Воркутауголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли СССР 50 йиллиги номли «Северная» шахтаси тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири **Ашот Борисович Дельян**га, «Ворошиловградшахтострой» комбинатига қарашли 6-шахта проходка бошқармаси кон проходка бригадасининг бошлиғи **Николай Иванович Коротеев**га, «Карагандауголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Северная» шахтаси кон проходка бригадасининг бошлиғи **Михаил Павлович Курников**га, «Укрзападуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли КПСС XXV съезди номли шахта тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири **Сергей Илларионович Смолов**га, «Торезантрацит» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Торезское» шахта бошқармаси тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири **Владимир Дмитриевич Тимченко**га, «Прокопьевскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Центральная» шахтаси тозалаш забойининг кон ишчиси **Владимир Сергеевич Турач**га, Каменск машинасозлик заводи токарларининг бригадири **Василий Ефимович Финаев**га, «Красноярскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Назаровский» разрези экскаватор экипажининг бригадири **Петр Васильевич Черпаков**га, «Главтюменьнефтегаз»нинг «Урайнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Шаимнефть» нефть ва газ қазиш бошқармасининг нефть ва газ қазиш оператори **Федор Федорович Муковоз**га, «Башнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Туймазанефть» нефть ва газ қазиш бошқармасининг нефть ва газ қазиш оператори **Талип Латипович Нуркаев**га, «Куйбышевнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Жигулевскнефть» нефть ва газ қазиш бошқармасининг нефть ва газ қазиш оператори **Юрий Алексеевич Накрайников**га, «Ставропольнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пармалаш ишлари Нефтекумск бошқармасининг пармаловчи мастери **Михаил Илларионович Харсеев**га — меҳнатда жуда катта ютуқларга, кўмир ва нефть қазишдаги юксак самарадорлик ва иш сифатига эришганликлари учун.

3. Первоуральск Новотрубний заводининг вальцовщиги **Анатолий Алексеевич Головичев**га, Челябинск электрометаллургия комбинатининг катта эритувчиси **Егор Андреевич Клепиков**га, «Амурсталь» металлургия заводининг пўлат қуювчиси **Валерий Васильевич Кондаков**га, КПСС XXV съезди номли Южний кон саралаш комбинати экскаваторининг машинисти **Валентин Карпович Мироненко**га, В. И. Ленин номли Донецк металлургия заводининг пўлат қуювчиси **Леонид Михайлович Самокиш**га, СССР 50 йиллиги номли «Кмаруда» комбинатининг пармаловчиси **Юрий Алексеевич Чистников**га, рангли металларга ишлов бериш Ленинград ишлаб чиқариш бирлашмаси «Красний Выборжец» прессловчиси **Григорий Иванович Гусев**га, Хрустальний кон саралаш комбинати кон проходка бригадасининг бошлиғи **Петр Алексеевич Недопекин**га, Бошқирдистон мис-олтингугурт комбинати автомобиль ҳайдовчиларининг бригадири **Семён Петрович Никитин**га, Ачисой полиметалл комбинати тозалаш забойи кон ишчиларининг бригадири **Владимир Павлович Попов**га, Владимир химия заводининг экструдер машинисти **Анна Дмитриевна Магницкая**га, В. И. Ленин номли Новомосковск «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош оператори **Анатолий Васильевич Посвежинний**га — меҳнатда жуда катта ютуқларга, ички резервларни қидириш ва улардан фойдаланиш асосида металлургия ва химия ишлаб чиқаришида юксак самарадорлик ва иш сифатига эришганликлари учун.

4. Москва автотрактор электр машина-ускуналари заводининг ходимлари — регулировщик **Анна Павловна Печникова**га, токарь **Валентин Сергеевич Смирнов**га, «В. И. Ленин номли Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритувчиси **Георгий Иосифович Шишко**га, «Ростсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шлифовкачиси **Дина Федоровна Михайлова**га, Куйбишев «Масленников» номли заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси **Геннадий Александрович Мартинов**га, «Сизраньсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **Виктор Михайлович Пятков**га, Ухтомский номли Люберци қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг фрезерчиси **Михаил Михайлович Перов**га, экскаваторлар ишлаб чиқарувчи Коминтерн номли Воронеж ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **Николай Федорович Попов**га, Свердловск «Пневмострой-машина» ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Николай Иванович Лепаков**га, машинасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи **Жамбулат Могамедович Жамбулатов**га, А. А. Жданов номли «Красное Сормово» заводи йиғувчиларининг бригадири **Константин Николаевич Панов**га, биринчи давлат подшипник заводининг темирчи штамповкачиси («ГПЗ-1» ишлаб чиқариш бирлашмаси) **Александр Егорович Афонин**га — ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосида машинасозлик ишлаб чиқаришида меҳнатда эришган катта ютуқлари учун.

5. Октябрь 40 йиллиги номли криоген машинасозлиги Балашиха илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси токарларининг бригадири **Иван Васильевич Рибаков**га, Долгопрудний машинасозлик заводининг ходимлари — токарь **Алексей Кириллович Михеев**га, бўёқчилар бригадири **Клавдия Тихоновна Веселова**га, токарлар бригадири **Сергей Николаевич Рождественский**га, «Севертрубопроводстрой» трестига қарашли 5-қурилиш-монтаж бошқармаси пайвандчи-монтажчилар бригадасининг бошлиғи **Борис Павлович Дидук**ка, «Сибкомплектмонтаж» бирлашмаси 1-комсомол-ёшлар монтаж бошқармаси слесарь монтажчиларининг бригадири **Юрий Иванович Килдюшов**га, СССР 50 йиллиги номли «Сибакадемстрой» қурилиш бошқармасининг экскаватор машинисти **Михаил Григорьевич Семин**га, химия комбинатининг катта аппаратчиси **Виктор Михайлович Ходирев**га, СССРнинг 50 йиллиги номли Волжск шина заводининг йиғувчиси **Леопольд Оскарович Пээтс**га, ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари — токарь **Владимир Федорович Еремин**га, қолипловчилар бригадири **Игорь Григорьевич Глущенко**га, В. И. Ленин номли Курган машинасозлик заводининг токари **Александр Николаевич Гладков**га — меҳнатни ташкил этишнинг юксак пировард натижаларга эришишга ёрдам берувчи коллектив формаларини такомиллаштириш асосида меҳнатда жуда катта ютуқларга эришганликлари учун.

6. Днепр машинасозлик заводининг монтажчиси **Людмила Ивановна Куян**га, электромеханика заводининг слесари **Евгений Андреевич Шалаев**га, Литкаринск оптик шиша заводининг бригадирлари **Виктор Николаевич Новоселов**га, **Леонид Петрович Долгих**га, машинасозлик заводи ремонтчи слесарларининг бригадирлари **Василий Иванович Логунцов**га, **Николай Константинович Ермолаев**га, Ленинграддаги «Позитрон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг бошлиғи **Игорь Васильевич Скворцов**га, Иккинчи Москва соат заводининг йиғувчиси **Тамара Николаевна Сухова**га, Орелдаги «Промприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси **Михаил Васильевич Хаткевич**га, С. М. Киров номли Тирасполь қуйиш машиналари заводининг размётчиги **Юрий Семенович Карабиненко**га, М. И. Калинин номли Воронеж темирчилик-пресс машина-ускуналари ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарь-расточниги **Василий Семенович Попов**га, Ростов-Дон машинасозлик заводининг тиш чиқарувчиси **Алексей Петрович Исаев**га — меҳнатда жуда катта ютуқларга, техника ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш асосида иш самарадорлиги ва сифатини оширишга эришганликлари учун.

7. Ухтадаги Бутуниттифоқ «Комилеспром» ўрмон-саноат бирлашмасига қарашли «Ухталес» ёғоч тайёрлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори **Евгений Федорович Булдаков**га, Бутуниттифоқ «Тюменьлеспром» ўрмон-саноат бирлашмаси комсомоллар ёғоч тайёрлаш хўжалиги ёғоч тайёрловчилар бригадасининг бошлиғи **Александр Александрович Ватрасов**га, Бутуниттифоқ «Кареллеспром» ўрмон-саноат бирлашмасига қарашли Надвоицкий ўрмон-саноат хўжалигининг ходимлари — дарахт ағдарувчи ишчи **Иван Павлович Дикун**га, тракторчи **Петр Федотович Полежаев**га, «Ивановомебель» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг пардозловчилар бригадири **Александра Ивановна Сметанина**га, Горький ўрмон хўжалиги бошқармасига қарашли Ветлуга-Унжени механизациялашган ўрмон хўжалигининг тракторчи-машинисти **Дмитрий Михайлович Сироткин**га, Ленин комсомоли номли Сиктивкар ўрмон саноати комплекси картон ясовчи машинасининг машинисти **Петр Ионович Власов**га, ВЛКСМ 50 йиллиги номли Котлас целлюлоза-қоғоз комбинатида целлюлоза пиширувчи **Александр Иванович Матвеев**га, Тожикистон ССР Министрлар Совети геология бошқармаси Қайроққум геология-разведка экспедицияси кон проходка бригадасининг бошлиғи **Тожиддин Имомалиев**га, Главтюменьгеологиянинг «Мегионнефтегазгеология» бирлашмаси Аган нефть разведка экспедициясининг пармаловчи мастери **Александр Андреевич Халин**га, Бутуниттифоқ «Каспморнефтегазпром» саноат бирлашмасига қарашли «Артемнефтегаз» нефть ва газ қазиш бошқармасининг қудуқларни капитал ремонт қилувчи мастери **Гусейн Юсиф ўғли Гусейнов**га, «Ангарскнефтеоргсинтез» Ангара ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори **Леонид Андреевич Шабанов**га — меҳнатда жуда катта ютуқларга, табиий ресурсларни қидириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришганликлари учун.

8. Канск ип-газлама комбинатининг тўқувчиси **Нина Михайловна Веселкова**га, П. П. Шчербаков номли Москва ипак комбинатининг тўқувчиси **Валентина Андреевна Боброва**га, Коростень ип-йигирув фабрикаси йигирувчиси **Алевтина Александровна Морозова**га, В. И. Ленин номли Иваново камволь комбинати мастерининг ёрдамчиси **Александр Алексеевич Прохоров**га, Ригадаги «Аврора» пайпоқ фабрикасининг тўқувчиси **Валентина Адамовна Копылова**га, Ленинграддаги Я. А. Калинин номли «Скороход» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг кесувчиси **Антонина Матвеевна Салькова**га, Куровск меланж ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчиси **Екатерина Дмитриевна Семейкина**га, Олмаотадаги 1 Май номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи мотористи **Татьяна Александровна Сафронова**га, СССР 50 йиллиги номли Бендери ёғ-экстракция заводининг ёғ рафинадчиси **Светлана Александровна Бауше**рга, Мануильский номли Староконстантиновск қанд комбинатининг пиширувчи аппаратчиси **Станислав Иванович Козловский**га, Курскдаги «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори **Тамара Николаевна Крузина**га, Ленинграддаги «Красний треугольник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчи инструктори **Евгения Павловна Александрова**га — меҳнатда жуда катта муваффақиятларга, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришганликлари учун.

9. Саратов уйсозлик комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи **Виктор Дмитриевич Горбачев**га, «Главмосстрой»га қарашли 3-уйсозлик комбинати 6-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Иван Павлович Демин**га, Грузия ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 5-умумий қурилиш трести 12-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Тандико Сандроевич Дзидзигури**га, «Свердловсксовхозстрой» трестига қарашли 240-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Афанасий Семёнович Кренев**га, «Липецкстрой» трестига қарашли 9-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Иван Иванович Макаров**га, Арманистон ССР Саноат қурилиши министрлигига қарашли «Ерпромстрой» трести 31-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Гарник Хачатурович Манасян**га, ВЛКСМ 50 йиллиги номли «Амурскстрой» қурилиш трести 858-ишлар бошлиғи бошқармаси бўёқчиларининг бригадири **Нина Филипповна Титова**га, Пенза территориал қурилиш бошқармаси «Жилстрой» трестига қарашли 11-қурилиш бошқармаси ғишт терувчиларининг бригадири **Виктор Алексеевич Ушаков**га, «Казаньпромстрой» трестига қарашли 233-механизациялашган кўчма колоннаси ғишт терувчиларининг бригадири **Гарифулла Хайруллович Хайруллин**га, «Иркутскжилстрой» трести 4-умумий қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Николай Иванович Хомин**ка, 2-Свердловск ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчиларининг бригадири **Юрий Григорьевич Шчеклев**га, «Свердловскгражданстрой» трести 26-қурилиш бошқармаси сувоқчиларининг бригадири **Нина Ивановна Ярушникова**га — оз ишчилар билан қурилиш ишларини бажариш асосида юксак меҳнат унумдорлигига эришганликлари учун.

10. Владимир темир-бетон конструкциялар заводи арматурачиларининг бригадири **Иван Иванович Абрамов**га, Омск картон-рубероид заводида картон ясовчи машина машинисти **Анатолий Алексеевич Воронков**га, «Лоде» дренаж қувур заводи ишчиси **Анна Константиновна Головина**га, механика заводининг токари **Михаил Иванович Грубов**га, Шчекино темир-бетон буюмлар заводининг бригадири **Николай Алексеевич Козлов**га, «Главмоспромстройматериали» 9-ёғочсозлик комбинати пардозловчиларининг бригадири **Евгений Тимофеевич Кондратюк**ка, Главзападцемент»га қарашли «Михайловцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси айланма печларининг машинисти **Анатолий Михайлович Курганов**га, Красноярскасбест-цемент буюмлар комбинати лист қолипловчи машинасининг машинисти **Федор Яковлевич Лисютин**га, Н. К. Крупская номли Лобненск қурилиш чинни заводи керамика буюмлар қуювчиси **Мария Николаевна Мохова**га, «Союзмонтажлегмаш» трестига қарашли Дедовский монтаж бошқармаси монтажчи слесарларининг бригадири **Николай Евгеньевич Панюшкин**га, Главкрасноярскстрой темир-бетон ва металл конструкциялар комбинати қолипчиларининг бригадири **Анатолий Савельевич Сулайманов**га, «Печорстрой», бошқармаси 234-қурилиш-монтаж поезди йўл қурувчиларининг бригадири **Николай Иванович Чепурних**га — меҳнатда жуда катта муваффақиятларга, қурилишда ва бинокорлик материаллари саноатида илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини кенг кўламда қўллаш асосида юксак самарадорликка ва иш сифатига эришганликлари учун.

11. Южно-Уральск темир йўли бошқармаси бўлими бошлиғининг смена ўринбосари **Борис Дмитриевич Баталов**га, Белоруссия темир йўли Молодечний вагон депоси вагонларни текшириб чиқувчиси **Петр Григорьевич Юхневич**га, Горький темир йўли Дзержинск йўл дистанциясининг йўл мастери **Борис Петрович Усов**га, Граждан авиацияси КОМИ бошқармасига қарашли Ухта авиация бўлинмасининг вертолет командири **Геннадий Степанович Мальцев**га, Украина Граждан авиацияси бошқармаси Одесса авиация бўлинмаси самолётининг командири **Максим Максимович Гуржий**га, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси Самарқанд авиация бўлинмаси самолётининг командири **Григорий Иванович Цховребов**га, Совет Украинасининг 50 йиллиги номли Одесса кема ремонти заводи йириклаштирилган комплекс бригадасининг бошлиғи **Вячеслав Михайлович Васильев**га, Архангельск балиқчилик флоти бошқармасига қарашли «Певек» совутиш балиқ овлаш катта траулерининг капитани **Анатолий Ильич Горбачев**га, Мурманск балиқчилик флоти бошқармасига қарашли совутадиган катта «Беломорье» балиқ овлаш траулерининг катта мастери **Виктор Петрович Бирюков**га, Волжск бирлашган дарё пароходчилигига қарашли «Волго-Дон-15» теплоходи механигининг биринчи ёрдамчиси — капитани **Сергей Александрович Микеров**га, «Красний флот» кема ремонти-кемасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи **Николай Яковлевич Горбань**га, Енисей дарё пароходчилигига қарашли ОТ-2058 теплоходининг капитан-механиги **Юрий Константинович Мизеровский**га — меҳнатда жуда катта ютуқларга, темир йўл, авиация, сув транспорти ва балиқ овлаш кемаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришганликлари учун.

12. Астрахань область, Харабали районидаги «Новая жизнь» колхози шоликорлик бригадасининг бошлиғи **Алексей Михайлович Гурнов**га, Ростов область, Каменский районидаги «Рассвет» колхозининг автомобиль ҳайдовчиси **Николай Васильевич Савин**га, Саратов область, Красний кут районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози трактор далачилик бригадасининг бошлиғи **Иван Никанорович Зевякин**га, Бошқирдистон АССР, Баймоқ районидаги «Зилаирский» совхозининг тракторчи-машинисти **Риза Ҳожиаҳметович Яхин**га, Винница область, Крижополь районидаги Жданов номли колхоз механизациялашган звеносининг бошлиғи **Василий Анисимович Побережний**га, Қрим область Красногвардейск районидаги «Большевик» совхози механизациялашган отрядининг бригадири **Владимир Васильевич Каплан**га, Хмельницкий область, Городок районидаги «Украина» колхозининг тракторчи машинисти **Петр Фомич Гелик**ка, «Кзылордаводстрой» трестига қарашли Казалинск 86-механизациялашган кўчма колоннаси экскаваторчиларининг бригадири **Шинтас Нурхўжаев**га, Кустанай область, Федоровский районидаги «Федоровский» совхози механизациялашган звеносининг бошлиғи **Владимир Петрович Левен**га, Озарбайжон ССР, Исмоили районидаги Низомий номли колхоз ғаллачилик бригадасининг бошлиғи **Ташкилот Миразиз ўғли Азизов**га, Молдавия ССР, Чодир-Лунга район колхозлар кенгаши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 14-механизациялашган отряд раҳбари **Степан Георгиевич Хасте**га, Курск область, Обоянь районидаги «Страна Советов» колхозининг комбайнчиси марҳум **Иван Иванович Душин**га, — фан-техника ва илғор практика ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида дон ва ёрма экинлардан муттасил мўл ҳосил олиш юзасидан меҳнатда жуда катта ютуқларга эришганликлари учун.

13. Камчатка область, Олюторка районидаги СССР 50 йиллиги номли совхоз буғучилик бригадасининг бошлиғи **Николай Григорьевич Коялкут**га, Липецк область, Долгорукий районидаги «Екатериновский» совхозида қорамолни сўйимга боқиш оператори **Иван Филиппович Шацких**га, Бурятия АССР, Жидинский районидаги «Боргойский» совхозининг катта чўпони **Гасрон Лубсенович Рабдаев**га, Якутия АССР, Чурапчи районидаги Карл Маркс номли совхозининг йилқичиси **Михаил Семенович Толстоухов**га, Киев область, Киев-Святошин районидаги «Шпитковский» совхозининг машинада сигир соғиш оператори **Антонина Прокофьевна Солодуб**га, Харьков область, Чугуев районидаги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги номли совхоз-комбинатнинг чўчқа семиртириш оператори **Михаил Васильевич Сердюк**ка, Гродно область, Кореличи районидаги «Кореличи» наслчилик заводининг машинада сигир соғиш оператори **Тамара Владимировна Чубрик**ка, Тошкент область Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг машинада сигир соғиш оператори **Мунаввар Исоқова**га, Уральск область, Каменский районидаги Қозоғистон ССР 40 йиллиги номли совхозининг катта чўпони **Ибат Кубашев**га, Латвия ССР, Рига районидаги «Кекава» тажриба намуна паррандачилик фабрикасининг бройлер етиштирувчи оператори **Станислава Яновна Петране**га, Ўш область Сузоқ районидаги Барпи номли колхозининг катта чўпони **Дониёр Чойбеков**га, гўшт саноати Москва ишлаб чиқариш бирлашмасининг гўштни суякдан ажратувчилар бригадири **Борис Яковлевич Матлахов**га — илғор технология қўллаш асосида чорвачиликнинг юқори сифатли маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида меҳнатда эришган ютуқлари учун.

14. Ставрополь ўлкаси, Кочубей районидаги Чапаев номли колхоз механизациялашган звеносининг бошлиғи **Иван Михайлович Нагорний**га, Ростов область, Егорлик районидаги Егорлик совхози боғдорчилик звеносининг бошлиғи **Михаил Павлович Латарцев**га, Свердловск шаҳар, Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе совхози сабзавоткорлик бригадасининг бошлиғи **Зинаида Ивановна Буланова**га, Смоленск область, Рославль районидаги «Советская Армия» колхози зиғирпоячилик бригадасининг бошлиғи **Алексей Егорович Жичкин**га, «Дагвино» ишлаб чиқариш — совхоз бирлашмаси Ильич номли совхоз бўлимининг бошқарувчиси **Сирожиддин Намедович Нурмагомедов**га, Житомир область, Дзержинск районидаги «Украина» колхози далачилик звеносининг бошлиғи **Людмила Григорьевна Полупан**га, Гомель область, Добруш районидаги «Заря коммунизма» колхози механизациялашган звеносининг бошлиғи **Григорий Денисович Горохов**га, Наманган область, Задарё районидаги «Гигант» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи **Абдуваҳоб Турғунов**га, Қозоғистон вино саноати аграр-саноат бирлашмасига қарашли «Қоплонбек» совхози боғдорчилик-узумчилик бригадасининг бошлиғи **Адош Кокозович Валиев**га, Ажария АССР, Кобулети районидаги И. В. Сталин номли совхоз чойкорлик звеносининг бошлиғи **Кучи Давидович Себискверадзе**га, Кўлоб область, Восе районидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Шоҳи Мусоев**га, Мари область, Йўлўтган районидаги «Победа» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Назар Чариев**га — фан ютуқларини қўллаш ва комплекс механизацияни жорий этиш асосида техника экинларидан, сабзавот, мевали экинлардан, картошка, зиғирпоя, пахта, чойдан муттасил мўл ҳосил олиш юзасидан меҳнатда жуда катта ютуқларга эришганликлари учун.

15. «Ставропольселхозтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-ўлка транспорт корхонасининг автомобиль ҳайдовчиси **Виктор Иосифович Бабенко**га, Горький область, Лисково районидаги «Нива» совхози озуқа тайёрлаш бригадасининг бошлиғи **Валерий Иванович Солдатов**га, Москва область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Большевик омихта ем заводининг майдаловчиси **Раиса Ильинична Крюченкова**га, Рязань область колхозлараро қурилиш бирлашмаси Скопино колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Вячеслав Владимирович Чистотин**га, Ульяновск область, Павлов районидаги «Россия» колхозининг созловчи мастери **Анатолий Васильевич Станков**га, Харьков омихта ем заводининг дозаловчиси **Александра Павловна Черних**га, Черниговдаги «Октябрьский молот» ремонт-механика заводи шлифовкачилари бригадири **Петр Прокофьевич Карман**га, Черновици областининг Заставновский районидаги Ленин номли колхоз озуқа тайёрлаш бригадасининг бошлиғи **Михаил Васильевич Садвой**га, «Минскводстрой» трестига қарашли 70-механизациялашган кўчма колоннанинг бульдозерчи-машинисти **Олег Владимирович Тишкевич**га, Литва ССР, Вилкавишкский районидаги Ю. Янонис номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиғи **Янина Ионовна Лабашаускене**га, Арманистон ССР, Калинин районидаги Жапаридзе номли колхоз тракторчиси **Самсон Енокович Мартиросян**га, Эстония ССР, Тарту районидаги ССР 50 йиллиги номли «Тарту» таянч-намуна совхозининг тракторчи-машинисти **Яан Вольдемарович Лаане**га — меҳнатда жуда катта муваффақиятларга, техникадан юксак самарали фойдаланишга, озуқа ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик объектларини қуришда илғор технологияни жорий этишга эришганликлари учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Министрлар Советининг Раиси
А. КОСИГИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларга адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1979 йилги Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини беришга **қарор қиладилар:**

1. Миртемир **Турсунов** (марҳум Миртемир)га «Тоғдай таянчим», «Ёдгорлик» шеърлар китоблари учун.

2. Қутлуғ Башарович **Башаров**га — Ўзбекистон халқ рассоми — станок графика асарлари ва китобларга ишланган расмлар цикли учун.

Неъмат Мирзабоевич **Кўзибоев**га — Ўзбекистон ССР халқ рассоми — живопись, картиналар, портретлар ва пейзажлар туркуми учун.

3. Учқун Эгамбердиевич **Назаров**га — режиссёр, Абдураҳим Исроилович **Исмоилов**га — оператор, Садриддин Муҳитдинович **Зиямуҳамедов**га — постановкачи рассом — Н. Никитин китоби асосида Марказий телевидениенинг буюртмаси билан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Қўқон воқеаси» уч серияли бадиий фильмини яратган ижодий группага.

4. Сайфи **Жалилов** (Сайфи Жалил)га — композитор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — «Самарқандномa» номли 1-симфония ҳамда виолончель ва симфоник оркестр учун концерт асарлари учун (Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг ғалабасига бағишланган);

Минасай Бетьянович **Левиев**га — Ўзбекистон ССР халқ артисти — Ҳ. Муҳаммаднинг пьесаси асосида Муқимий номли театрда қўйилган «Тошкент гўзали» драмаси ва Ч. Айтматов қиссаси, Ҳ. Ғулом либреттоси асосида Андижон шаҳар театрида саҳналаштирилган «Қизил дуррачали сарвқомат дилбарим» драмаси музикасининг автори.

5. Икрома Зоҳидовна **Болтаева**га, Зайнаб **Садриева**га, Тошхон **Султонова**га, Замира **Ҳидоятова**га, Холида **Хўжаева**га — Ўзбекистон ССР халқ артистлари — ғоят хилма-хил характердаги совет аёллари — қаҳрамон оналар ва оналар образларининг кўпдан-кўп туркумини яратганликлари, кейинги икки йил ичида Ҳамза номли театр саҳнасида ўйналган аёллар ролларини ижро этганликлари учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси
Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг Фан ва техника соҳасида Беруний номли Давлат мукофотлари комитети таклифномасини кўриб чиқиб **қарор қиладилар:** қуйидагиларга Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Беруний номли давлат мукофоти берилсин:

1. **А. А. Мутолибов** (раҳбар), **О. Д. Мурашов, Л. М. Шварцман, А. Д. Деминов, В. А. Подлесних, Л. А. Спирин**га — пульсланувчи ротор аппаратларнинг турли моделларини яратиш ва уларни халқ хўжалигига жорий этиш соҳасидаги ишлар комплекси учун.

2. **А. М. Музаффаров** (раҳбар), **Т. Таубоев, Е. И. Милоградова, В. Г. Макотро, У. Насриллаев, А. Эгамбердиев**га — «Хлорелла ва уни халқ хўжалигида қўллаш» иши учун.

3. **Ҳ. С. Сулаймонов**га (марҳум) — ўзбек адабиёти тарихига оид илмий-тадқиқот ишлари туркуми учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретари
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси
Н. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

КАТТА КАШФИЁТ

ОҲАНГАРОН, 10 ноябрь. (**ЎзТАГ мухбири**). Бугун Оҳангарон цемент комбинатида цементни паст температурада синтез қилувчи жаҳонда биринчи установка ишга тушди. 85 метр узунликдаги печь шундай унум билан ишлайдиган бошқа ҳамма машиналарга нисбатан учдан бир ҳисса кам ёқилғи истеъмол этади.

Бу установка Тошкентдаги «Ниистромпроект» институтининг бир группа мутахассислари қилган кашфиётни металлда намоён этди. Мутахассислар цемент ярим фабрикати — шламга озгина хлор тузи қўшилса, уни бир ярим минг градусда эмас, балки минг градусда ҳам пишираверишга имкон беришини аниқладилар.

Кашфиёт авторларининг ҳисобларига кўра, цементни паст температурада синтез қилиш энергия ресурсларини анча тежайди. Оҳангарон комбинатида ишлаб турган ҳамма печларни шламга хлор тузи қўшиладиган қилиб қайта ускуналанса, ёқилғи сарфи аввалгича қолгани ҳолда бир йилда тайёрланган цемент 900 минг тонна кўпаяди. Мамлакат бўйича умуман айланма печларни паст температурада синтез қилишга ўтказиш йилига қарийб 50 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш учун кифоя қиладиган ёқилғини тежашга имкон беради.

Оҳангарон комбинатида цемент паст температурада синтез қилинадиган жаҳонда биринчи печни фойдаланишга топшириш муносабати билан тантанали митинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

ЧОРВАДОРЛАР ВА САБЗАВОТКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

(Бошн бириичи бетда).

гўшт реализация қилиш йиллик ҳажмини 81,4 процент, шу жумладан октябрь ойида 101,9 процент бажарган. Байроқ Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасидан олиб берилади;

Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги давлат комитетининг **Хоразм балиқ комбинати** (директори ўрток Жабборов, партия ташкилотининг секретари ўрток Хўжаев, ишчилар комитетининг раиси ўрток Юсупов). Бу комбинат балиқ овлаш ўн ойлик планини 106 процент, балиқ маҳсулотларини етказиб бериш ўн ойлик планини 104 процент, фойда олиш планини 158,8 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 100,1 процент бажарган. Байроқ балиқ саноати Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмасидан олиб берилади;

Жиззах областидаги **Жиззах район матлубот союзи молларни сўкимга боқиш хўжалиги** (район матлубот жамияти правлениесининг раиси ўрток Маматқулов, партия ташкилотининг секретари ўрток Носирова, касаба союз комитетининг раиси ўрток Ткачева, молларни сўкимга боқиш хўжалигининг директори ўрток Раҳимов). Бу хўжалик молларни сўкимга боқиш ўн ойлик планини 163 процент, гўшт етиштириш планини 130 процент ва молларни семиришни 116 процент бажарган. Байроқ Фарғона областидаги Қува район матлубот союзи молларни сўкимга боқиш хўжалигидан олиб берилади.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлатга мева ва сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1979 йил 1 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга бериладиган бўлди:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўрток Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўрток Алимов, область ҳушлок хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Раҳмонов, область боғдорчилик-узумчилик совхозлари трестининг директори ўрток Аҳмедов, область қишлок хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва уларнинг сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўрток Носиров, область матлубот союзи правлениесининг раиси ўрток Файзиев). Бу область давлатга барча турдаги сабзавот сотиш планини 125,8 процент, картошка топшириш планини 100 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 120,8 процент, ҳўл мева сотиш планини 101,3 процент, узум сотиш планини 108,5 процент бажарган. Октябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 30,1 процент, картошка тайёрлашни 27,1 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 10,8 процент, ҳўл мева тайёрлашни 11,3 процент ва узум тайёрлашни 22,5 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд областидан олиб берилади.

Тошкент областининг ихтисослаштирилган Оржоникидзе райони (район партия комитетининг секретари ўрток Пўлатов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Ортиқхўжаев, район ижроия комитети қишлок хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Ерхўжаев, қишлок хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Исоков, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Маҳмудов);

Самарқанд область боғдорчилик ва узумчилик совхозлар трестининг «Красногвардейск» ихтисослаштирилган совхози (трест директори ўрток Луқмонов, совхоз директори ўрток Жуманиёзов, партия ташкилотининг секретари ўрток Маматқулов, ишчилар комитетининг раиси ўрток Сулаймонов). Бу совхоз давлатга полиз маҳсулотлари сотиш планини 100 процент, ҳўл мева сотиш планини 126 процент ва узум сотиш планини 160 процент бажарган ҳамда октябрь ойида полиз маҳсулотлари тайёрлашни йиллик планга нисбатан 100 процент, ҳўл мева тайёрлашни 17 процент ва узум тайёрлашни 59,3 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Наманган ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси Янгиқўрғон райони даги «Ленинизм» совхозидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССР Чимбой районидаги «Чимбой» совхози (совхоз директори ўрток Ҳамидуллаев, партия ташкилотининг секретари ўрток Қурбеков, ишчилар комитетининг раиси ўрток Қалимбетов). Бу совхоз давлатга барча турдаги сабзавот сотиш планини 101,1 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 100,6 процент ва ҳўл мева сотиш планини 153,3 процент бажарган ҳамда октябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 17,7 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 35,7 процент ва ҳўл мева тайёрлашни 53 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сирдарё область, Боёвут районидаги «Боёвут» совхозидан олиб берилади;

Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхози (колхоз правлениесининг раиси ўрток Турсунов, партия ташкилотининг секретари ўрток Холдоров). Бу колхоз давлатга барча турдаги сабзавот сотиш планини 107,5 процент, ҳўл мева сотиш планини 109,8 процент ва узум сотиш планини 102,7 процент бажарган ҳамда октябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 20 процент, ҳўл мева тайёрлашни 22,6 процент ва узум тайёрлашни 34,2 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Фарғона область, Ўзбекистон районидаги Муқимий номли колхоздан олиб берилади.

БУРЧГА САДОҚАТ

Область партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги июль Пленуми тарихий қарорлари асосида КПСС Марказий Комитети Бюш секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, хусусан унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш учун изчил кураш олиб бормоқдалар. Пахта — миллий нефтихоримиз. Олтиндан ҳам қиммат саноат хом ашёси ҳисобланган пахта мамлакатимиз экономикасини мустаҳкамлашда, давлатимиз куч-қудратини оширишда жуда муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли область ва район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган ташкилий ва сиёсий тадбирларни белгиланганларидек пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосилини кўпайтириш масаласини биринчи ўринга қўймоқдалар.

Илғор агротехника фани ва қудратли замонавий техника билан қуролланган, тажрибаси бойиб, маҳорати мисли кўрилмаган даражада юксалган, пахта етиштиришни ўзининг партия, Ватан, бутун совет халқи олдидаги интернационал бурчи деб билган пахтакорларимиз бу вазифани муваффақиятли адо этмоқдалар. Улар партия ташкилотлари раҳбарлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахтачиликни комплекс механизациялашга қаратилган бош йўлини огишмай амалга ошириб келмоқдалар. Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштиришга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар. Шу йўл билан деҳончилик маданиятини юксалтириш, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини оширишга эришяптилар.

Иқлим шароитлари жиҳатидан Ватанимиз пахтачилиги тарихида энг ноқулай келган бу йил область партия ташкилотлари учун алоҳида синов йили бўлди. Омманинг қурашини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишда бой тажриба тўпланганликлари учун улар бу синовдан муваффақиятли ўтдилар. Баҳор серёғин ва салқин келиб, чигитни қайта экиш зарурати туғилганда ҳам, ғўза ривожланишдан орқада қолиб, мураккаб шароит вужудга келганида ҳам партия ташкилотларининг сафарбар этувчилик қобилияти ҳар қачонгидан тўлароқ намоён бўлди. Табиий офат келтирган зарарни, ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатиш мақсадида белгиланган ташкилий-агротехника тадбирларини амалга ошириш учун колхоз ва совхозларнинг механизаторлари ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди. Коммунистларнинг авангардлик роли ҳар қачонгидан ҳам ошди. Улар оммани фақат олға ундовчи эҳтиросли сўзлари билан янги меҳнат зафарларига чорлабгина қолмай, балки ишлаб чиқаришнинг энг қийин ва масъулиятли участкаларидаги, қийинчилик ҳаммадан кўп юз берган жойлардаги механизаторлари билан алоҳида ибрат кўрсатдилар.

Ҳар бир колхоз ва совхозда, бўлим ва бригадада терим агрегатларининг юқори унум билан тўхтовсиз ишлаши таъминланди. Уларнинг бункеридан кун сайин кўпроқ пахта тўкилишига эришилди. Механизаторлар, теримчилар ўртасида октябролди социалистик мусобақаси, янги Совет Конституцияси қабул қилинган кунни муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олиш ҳаракати кенгайтирилди. Далалардан кун сайин кўпроқ пахта териб олиш ва тайёрлашга муваффақ бўлинди. Шу тариқа область пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаатига жавобан Улуғ Октябрь байрами тантаналари давом этиб турган кунларда жуда катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планн муддатидан олдин — 9 ноябрда муваффақиятли бажарилди. Ватан омборига 420 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ҳосирнинг ўзидаёқ 30,9 центнердан ҳосил териб олинди. Давлатга топширилган пахтанинг 87 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Шонли механизаторлар 338 минг тонна пахтани ёки ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғини машиналар билан териб бердилар.

Пахтакорларнинг меҳнати ва қураши намунали ташкил этилган, агротехника тадбирлари комплекси тўғри белгиланиб, мукаммал амалга оширилган районлар, колхоз ва совхозларда ҳосил жуда мўл бўлди, давлатга кўпроқ пахта топшириш мусобақасида энг яхши кўрсаткичларга эришилди. Бўка районининг хўжаликлари давлатга 70,2 минг тонна пахта сотиб, область пахтакорларининг галабасига энг салмоқли ҳисса қўшдилар. Тайёрлов пунктларига Бекобод районн колхоз ва совхозлари 61 минг тонна, Ғалаба районн хўжаликлари 60 минг тонна, Оққўрғон районн колхоз ва совхозлари 58,8 минг тонна пахта сотказиб бердилар. Ғалаба районн хўжаликларида ҳозиргача ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 39,2 центнердан, Чиноз, Бўка ва Коммунистик районларининг колхоз ҳамда совхозларида эса 32,5—33 центнердан ҳосил олинди. Давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини барвақт бажариб, ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Ғалаба районидаги «Победа», Энгельс номли, Ленин номли, «Заря коммунизма», Димитров номли, «Ленинград», Свердлов номли колхозлар, Киров номли ўқув-тажриба участкаси, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Тимирязев номли, Коммунистик районидаги «Ленинский путь», «Ўзбекистон», Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларда ҳосилдорлик 35—47 центнерга етди ва бундан ҳам ошиб кетди.

Пахта далаларининг шонли гвардиячилари бўлган жасоратли механизаторлар область пахтакорлари бу йил мўл ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олиш учун олиб борган курашнинг яловбардорлари бўлдилар. Улар баҳор ва ёз ойларида чигитни қайта экиш, ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатиш мақсадида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган эдилар. Ҳосил йиғимтерими даврида эса тажриба ва маҳоратларини тўла ишга солиб, терим машиналарини юқори унум билан ишлатиш, пахта териш ва тайёрлаш сўръатини жадаллаштириш учун куч ва ғайратларини аямадилар.

Чиноз районидаги Киров номли колхозининг донгдор механизатори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Турсуной Охунова, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчилари Сервер Усеинов ва Мирпўлат Тўлаганов, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси Мадиёр Шарипов, Свердлов номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Маҳмуд Ўринбоев, Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхозининг механик-ҳайдовчиси Николай Адаменко, «Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Чинғўлат Норбўтаев ва бошқалар пахта териш машиналарининг техник имкониятларидан максимал даражада фойдаланиб, уларнинг бункеридан имкони борича кўпроқ пахта тўкиш учун область механик-ҳайдовчилари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг ташаббускорлари бўлдилар. Бу илғор механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 180—402 тоннадан пахта тўкишга эришдилар. Область бўйича эса ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 117 тоннадан пахта терилди.

План бажарилди ва дастлабки марра эгалланди. Аммо барча районлар, колхоз ва совхозларда ҳосил йиғим-терими ҳудди илгаригидек, бўшаштирмасдан давом эттирилятти. Областимиз пахтакорлари жуда кўп меҳнат ва куч-ғайрат сарфлаб етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай тўла йиғиб-териб олишлари ва бу йил давлатга 455 минг тонна пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига қабул қилган янги, оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажарадилар.

М. МУСАХОНОВ,
Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари.

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, 1979 йил январь — октябрь ойларида республика саноати маҳсулот реализация қилиш планини 100,8 процент бажарди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1978 йилнинг январь—октябрь ойларига нисбатан 3,3 процент кўпайди, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати 100,3 процент бўлди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги юзасидан 1979 йил январь—октябрь ойлари планини қандай бажаргани қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	Планнинг бажарилиш процентн			
	маҳсулот реализация қилиш	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	1979 йил январь-октябрида 1978 йил январь-октябрига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати, процент ҳисобида
Ўзбекистон ССР	**100,8**	**100,4**	**100,5**	**103,3**
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	**97,3**	**98,7**	**98,7**	**85,7**
Андижон области	**99,9**	**102,0**	**100,6**	**97,1**
Бухоро области	**101,4**	**101,5**	**102,1**	**107,3**
Жиззах области	**104,0**	**102,9**	**102,5**	**117,0**
Қашқадарё области	**99,4**	**99,7**	**100,5**	**113,2**
Наманган области	**101,2**	**101,4**	**100,0**	**104,3**
Самарқанд области	**100,4**	**99,6**	**99,5**	**99,6**
Сурхондарё области	**104,0**	**103,5**	**104,2**	**105,4**
Сирдарё области	**102,1**	**97,3**	**96,5**	**97,7**
Тошкент области	**100,8**	**99,8**	**100,7**	**102,8**
Фарғона области	**100,1**	**99,9**	**99,7**	**101,2**
Хоразм области	**94,8**	**96,0**	**95,8**	**99,4**
Тошкент шаҳри	**101,9**	**101,0**	**101,3**	**107,0**

Қўмир қазиб чиқариш, йигирув машиналари, тракторлар, пахта териш машиналари, шифер, дераза ойнаси, ички ва устки трикотаж, пайпоқлар, чаъм пойафзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, сутга айлантириб ҳисобланган ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди.

СССР газ саноати министрлиги, Химия саноати министрлиги, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги, Қора металлургия министрлиги, Рангли металлургия министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлигининг корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш январь—октябрь ойлари планини бажармади.

Бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилишини таъминламади. Улар орасида Муборак газни қайта ишлаш заводи, Фарғона азотли ўғитлар заводи, Навоий электрохимия заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати, «Чирчиксельмаш» заводи, Самарқанд холодильник заводи, Навоий цемент заводи, Хива гилам комбинати, Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинати, Тошкент ошхона мебели заводи, Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинати, Фарғона шиша идиш заводи, Жомбой темир-бетон буюмлар заводи ва бошқа корхоналар бор.

Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари айрим корхоналарда планнинг бажарилмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларининг пасайиши сабабларини таҳлил этишлари зарур.

Камчиликларни тугатиш учун шошилинч чоралар кўрилиши, меҳнат коллективлари 1979 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришга сафарбар этилиши лозим.

СЕРҒАЙРАТ СТУДЕНТЛАР

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатига лаббай деб жавоб берган Самарқанд педагогика институти студентлари ва барча ўқитувчилари далаларда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Институтнинг 2000 дан ортиқ йигит ва қизлари ҳозиргача хирмонга 2295 тонна «оқ олтин» тўкишди. Ёш теримчилар мусобақасида чет тиллар факультетидан Раъно Низомова, ўзбек тили ва адабиёти факультетидан Раъно Зиёева ва бошқалар ғолиб чиқмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 150-160 килограммдан пахта теряпти.

Л. И. БРЕЖНЕВ: ТИНЧЛИК—ИНСОНИЯТ УЧУН ЭНГ КАТТА БАХТ

МЕХИКО, (ТАСС). Мексикадаги «Эдисьонес де культура популяр» нашриёти Л. И. Брежнев асарлари тўпламини испан тилида «Ғалла ва пўлат соҳиблари» деган сарлавҳа билан чоп этди. Унга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари киритилди.

Леонид Ильич Брежнев тўпламининг муқаддимасида бундай деб ёзади:

«Мен кўп кишилар тўғрисида ёзганман, аммо китобларимнинг бош қаҳрамони битта — у ҳам бўлса совет халқидир. Китобхонлар совет халқининг жанговар ишларидан ҳам, тинч меҳнатларидан ҳам хабардор бўладилар, шу туфайли улар бу халққа меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғуси билан қарашларига ишонгим келади.

Гитлерчилар Германиясига қарши 1941—1945 йилларда олиб борилган ва совет халқи Улуғ Ватан уруши деб атаган уруш хотирада алоҳида из қолдирганлиги табиий. Уша йилларда бизнинг зиммамизга оғир синовлар тушди. Биз 20 миллион кишидан маҳрум бўлдик. Гитлерчилар мамлакатимиз бутун бойлигининг учдан бир қисмини якеон қилдилар.

«Кичик ер»да катта фронтнинг энг жанубий қанотида гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган жанглар ҳикоя қилинган. Мен шу жангларда қатнашиб, жангчиларимизнинг оммавий қаҳрамонлигини ўз кўзим билан кўрганман. Бу — ўз Ватанининг озодлиги ва социалистик келажагини ҳимоя қилган одамларнинг буюк ва сўнмас жасорати бўлди.

«Тикланиш»да урушдан кейинги дастлабки йиллар гасвирланган. Босқинчилар ҳайдаб чиқарилгандан кейин мамлакатимизнинг жуда катта территориясидаги ҳаёт эндигина жонлана бошлаган эди. Деярли ҳамма нарсани қайтадан бошлаш: вайрона ва кулгепа бўлиб ётган шаҳар ҳамда қишлоқларни, фабрика ва колхозларни, мактаб ва касалхоналарни қайтадан тиклаш, уруш ўйдим-чуқур қилиб ташлаган далаларга ғалла экиш керак эди. Ўшанда чет элдаги кўпгина кишилар вайрон бўлган нарсаларни қайта тиклаб олиш учун Совет Иттифоқи ҳали неча ўн йиллар овора бўлади, деб ҳисоблаган эдилар. Бизнинг халқимиз тикланиш вазифасини уч-беш йилда ҳал этди.

Кейинроқ мен яна бир, ҳаётий муҳим жангда — ғалла учун бўлган жангда иштирок этишга мушарраф бўлдим. Бу ҳақда мен «Қўриқ»да ҳикоя қилганман. Совет Қозоғистонига ёрдамга борган пайтимизда кўз олдимизда ўн миллионлаб гектар қўл тегмаган дашт ястаниб ётарди, шу ерларни экинзорга айлантириш керак эди.

Ишни очиқ ҳавода чодир тикишдан бошладик. Қаҳратон совуққа ҳам, жазирама иссиққа ҳам, йўлсизлик машаққатига ҳам, маданий марказлардан олисликка ҳам бардош бердик. Совет кишилари ҳамма қийинчиликларга чидадилар. Ҳозир Қозоғистон — одамларнинг роҳат қилиб ҳаёт кечириши учун ҳамма нарса муҳайё бўлган гуллаб-яшнаб турган ўлкадир. Мана, 25 йилдирки, Қозоғистон ғалла кони — мамлакатимиз ҳосилининг анчагина қисмини бериб келмоқда.

Равшанки, китоблар устида ишлаш давомида кўпдан кўп воқеаларни фикран хаёлдан ўтказдим. Ўтмишни эслар эканман, мен кўпроқ ҳозирги кунни ва келажакни ўйлаётганимни ўзим ҳам тез-тез пайқаб турардим. Бошдан кечирилган воқеаларни якунлаш билангина кифоя қилмасдан, тарих тажрибасидан бундан буёнги олға томон қиладиган ҳаракатимиз учун жамиқа қимматли нарсаларни ажратиб олиш муҳим туюлди менга.

Совет Иттифоқи билан Мексика ўзаро яхши муносабат ўрнатганлар. Мексика улуғ Ленин асос солган ёш Советлар республикаси билан 1924 йилда Лотин Америкаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб дипломатия муносабатлари ўрнатганлиги фактини бизнинг одамларимиз юксак қадрлайдилар. Суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик Совет—Мексика ҳар томонлама ҳамкорлиги учун характердир. Аслини айтганда, давлатлар ўртасидаги соғлом ва самарали муносабатлар фақат мана шундай асосда мустаҳкам қарор топиши мумкин.

Тинчлик — инсониятнинг энг катта бахтидир. Аммо, афсуски, тинчликка эришишнинг эсон йўллари йўқ. Қатъий сиёсий ирода намойиш этаётган Совет Иттифоқи тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва озодлик идеалларининг тантанаси учун курашмоқда. Шу мақсадлари сари биз Мексика халқи билан, бошқа ҳамма халқлар билан қўлга бериб олға боришга тайёрмиз. Шундай бўлишига ишонаман».

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

Қашқадарё области — область партия комитетининг секретари ўрток Р. Ғ. Ғойипов, область ижроия комитетининг раиси ўрток Б. Элбоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, ўрток Т. Т. Жабборов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўрток С. М. Муродов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти область ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси ўрток Н. И. Миллаев, суғориш системалари область бошқармасининг бошлиғи ўрток М. Рўзиев, область комсомол комитетининг секретари ўрток А. Аҳмедов;

Тошкент области — область партия комитетининг секретари ўрток М. М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўрток Т. А. Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток А. Раҳмонов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўрток Х. Қосимов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти область ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси ўрток В. Н. Хегай, суғориш системалари область бошқармасининг бошлиғи ўрток У. Муслимов, область комсомол комитетининг секретари ўрток Б. Камолов;

Зомин райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Холматов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Абдулҳакимов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Умирзоков, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Яценко, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Каршибоев, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Аспандиёров;

Қарши райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Очилов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Сахатов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Бузруков, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Каршиев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Ҳамроқулов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Қулбеков;

Комсомолобод райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Дадахонов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Мўминов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Акбаров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Мамажонов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Исоқов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Маҳмудов;

Ховос райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Сувонқулов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Насуллаев, район комсомол комитетининг секретари ўрток Тоғаймуродов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Нодирматов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Пирматов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Алмаматов.

Комсомол райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Омонликов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Қодиров, район комсомол комитетининг секретари ўрток Эралиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Йўлдошев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Қаршибоев, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Мелибоев.

Арнасой райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Соипназаров, район ижроия комитетининг раиси ўрток Холмуродов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Бозоров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Жумабоев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Ҳамроқулов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Қулбеков;

Комсомолобод райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Дадахонов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Мўминов, район комсомол комитетининг секретари ўрток Акбаров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Мамажонов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Исоқов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Маҳмудов;

Ховос райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Сувонқулов, район ижроия комитетининг раиси ўрток Насуллаев, район комсомол комитетининг секретари ўрток Тоғаймуродов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Нодирматов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўрток Пирматов, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўрток Алмаматов.

Мусобақа кундалиги

ВАЪДАГА ВАФО

«Амубухараканалстрой» бошқармасининг коллективи ўз зиммасидаги топшириқларни муддатидан илгари бажариш соҳасида кейинги ойларда қатор ютуқларга эришди. Бошқарманинг жуда кўп участкалари ойлик планларини муддатидан олдин бажаришга эришдилар. Бу соҳада илғор механизаторларнинг ҳиссаси жуда катта бўляпти.

Бошқарманинг илғор бульдозерчиси Теша Ярашев механизаторлар мусобақасида олдинда бораётир. У октябр-олди социалистик мусобақасида алоҳида ўрнак кўрсатиб, байрамгача катта меҳнат ғалабасига эришди. У олти йиллик топшириқни бажариб, 1982 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади.

Теша Ярашев шу кунларда Махонқўл ташлама канали қурилишида меҳнат қилмоқда. У ҳар сменада икки кунлик топшириқни бажаряпти. Илғор бульдозерчи бундай ютуқларга иш вақтидан унумли фойдаланаётганлиги, ўзи бошқараётган техникага яхши қараганлиги туфайли эришаётир.

Теша Ярашев В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага биринчилар қаторида қўшилган эди. У ана шу улуғ санагача яна бир йиллик планни бажариш мажбуриятини олди. Бошқармадаги кўпчилик бульдозерчилар ва механизаторлар ҳам ўз устларига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

ГЕОЛОГЛАР ЮТУҒИ

Ўзбекистон геологлари ой сайин меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Беш йиллик тўртинчи йили III кварталининг якунлари бўйича бирданига учта бирлашма — «Ўзбекнефтегазгеология», «Ташкентгеология» ва «Ўзбекгидрогеология» Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилдилар. Уларнинг ҳаммаси СССР Геология министрлиги билан тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

Геологлар Октябрь байрамига салмоқли совғалар тайёрладилар. Улар разведка қилинган газ, плавик шпат ва рангли металл запасларини ўстириш юзасидан тўққиз ойлик пландан ўзиб кетдилар, янги Жом конида катта мармар запасларини топдилар, шунингдек машҳур Ғозғон конида бу қимматли қурилиш материали запасларини бошқатдан ҳисоблаб чиқдилар.

Гидрогеологлар катта-катта майдонларда ер ости сув карталарини тузадилар, Жанубий Орол бўйи ва Фарғона водний-сидағи ерларни рекультивация қилдилар, сув қудуқларини қишлоқ хўжалигига топширдилар.

Ўзбекистоннинг ер бағри тўғрисидаги янги ахборот мўлжалдагидан анча арзонга тушди: пармаловчилар машинаускуналарининг белгиланган иш унумидан ўзиб кетишга муваффақ бўлдилар, разведка шахталарининг проходкачилари эса штольня қазиш илғор методларини жорий этдилар.

Республика геологлари шу кунларда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига мусобақани авж олдиришмоқдалар.

ФАН БИЛАН ПРАКТИКАНИНГ ИТТИФОҚИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ Ю. Е. МАКСАРЕВ БИЛАН СУҲБАТ

Совет халқи Улуғ Октябрнинг 62 йиллигини кутиб олишга ҳадя этган меҳнат зафарларига миллионлаб олимлар ва мутахассислар салмоқли ҳисса қўшдилар. Коммунистик бунёдкорликнинг турли жабҳаларида ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларидаги технологияни такомиллаштиришга, энергетика, қурилиш, соғлиқни сақлаш муҳим масалаларини ҳал этишга катта-катта тадқиқот марказларининг таъсири кўпроқ сезилмоқда. Матбуотда эълон этилган 1979 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатларининг рўйхати бунга яққол мисолдир.

Лауреатлар отрядига жами 30 авторлар коллективлари ва айрим олимлар келиб қўшилди, улар принципиал янги ғоялар ва ечимлар билан иш кўрсатдилар. Ҳар қачонгидек физика, математика фанлари соҳасидаги мутахассислар олдинги маррада турибдилар. Булар орасида халқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш турли тармоқларининг эҳтиёжлари учун линия электрон тезлатгичларини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Д. В. Ефремов номли Электрофизика аппаратлари илмий-тадқиқот институтининг коллективи; эҳтимоллик назариясининг мураккаб масалаларини ишлаб чиққан математиклар группаси; шунингдек кўп профилли тадқиқий масалаларни ҳал этиш учун статистик моделлаш методини яратган СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Г. Марчук раҳбарлигидаги новосибирсклик олимлар ҳам бор.

Ярқироқ тошларни синтез қилиш ва уларни асл тошларга айлантириш методларини саноат кўламида ўзлаштириш борасидаги қизиқарли ишлари учун авторлар коллективи тақдирланди. Бундай тошлар ўзининг ҳамма хил характеристикалари, шу жумладан заргарликда ишлатиш жиҳатидан табиий тошларнинг энг яхши намуналарига мос келади.

СССР Фанлар академияси органик химия институтининг бир группа олимлари молекуляр спектроскопия янги соҳасини яратдилар. Бундай спектроскопия ҳар қандай модда улкан массасига аралашган ҳатто биргина атом изларини ҳам топишга имкон берди. Татбиқий геофизика институтининг тадқиқот коллективи аэроразведка самарали спектроскопик методини халқ хўжалигига жорий этганлиги учун мукофот билан тақдирланди. Бу метод мамлакатимиз территориясида бир қанча катта-катта қимматли табиий қазилма конларини очишга имкон берди.

Геология соҳасида республиканинг риф комплексларида катта газ, газ конденсати ва газ олтингугурти запасларини очганлиги ва разведка қилганлиги учун ўзбекистонлик мутахассислар коллективига СССР Давлат мукофоти берилди.

Москвалик биологлар кўп йиллардан бери олиб борган иш муваффақият қозонди. Улар академик В. Энгелгардт раҳбарлигида структуравий генларни синтез қилиш методини яратдиларки, ҳайвонот ва вирусларнинг генетик аппаратини ўрганишда бу методдан кенг кўламда фойдаланиляпти. Авторлар рўёбга чиқарган ва жаҳон фанида юксак баҳо олган ген ферментатив синтези ген инженерияси соҳасидаги ишларни ривожлантириш учун энг муҳим бўғинлардан биридир.

Совет олимлари бажарган жуда катта иш ғалла юмушлари билан боғланган. Машҳур селекционерлар В. Ремесло, П. Лукяненко, Д. Долгушин, И. Калиненко интенсив типдаги кузги буғдой янги навларини чиқарганликлари учун мукофот лауреати бўлдилар. Кенг ёйилган бу навлар мамлакат далаларида гектар бошига 50 — 60 центнердан ҳосил бериб турибди.

Мукоофт билан тақдирланган яна битта тадқиқот қишлоқ хўжалиги практикасига бағишланган бўлиб, Тула областидаги Ленин номли колхозда саноат типидаги комплексда сут етиштириш илмий асосланган технологиясини яратиш, шунингдек помидор терадиган ўзиюрар СКТ-2 комбайнини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан ниҳоясига етказилди. Бу машина помидор теришдаги меҳнат унумдорлигини етти баравар оширди.

Медицина фани соҳасида икки иш СССР Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Илк ёшдаги болаларда бўладиган туғма ва кейинчалик пайдо бўлган юрак касалликларини тез даволаш методларини ишлаб чиққанликлари учун Ю. Исаков, Г. Баиров ва С. Долецкийга мукофот берилди. 2-Москва давлат медицина институтининг кафедра мудири Ю. Лопухин бошчилигидаги бир группа авторлар оғир касалларни гемоплазмо сорбция ва лимфо сорбция йўли билан даволаш методини жаҳонда биринчи марта ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар ва клиника практикасига жорий этдилар. Авторлар қондаги заҳарли моддаларни ва бошқа биологик суюқликларни сорбция методлари билан чиқариб ташлайдиган аппарат ва қурилмаларни яратиш илмий ҳамда техникавий негизларини яратдилар.

Янги техника ва технология соҳасида тадқиқотчи ва инженерлар катта коллективларининг ишлари мукофот билан тақдирланди. Бу иш дарёлар, кўллар ва сув омборларида кемалар ва кўп юк ортган составларни итарадиган автомат тирков воситаларини яратиш ва жорий этиш. катта қувватли металлургия комплексларида узлуксиз равишда заготовка қуядиган ғоят унумдор машиналарни ўзлаштириш, соат механизмларини йиғадиган ихчам манипулятор системаларини жорий этиш билан ниҳоясига етказилди.

Қўрғошин қобиқ ўрнига алюминий ва пўлат қобиққа олинган олис алоқа кабелларини кўплаб тайёрлаш янги технологияси ишлаб чиқилди. Ватан турбосозлигига янги бир саҳифа ёзилди — параметрлари ўта критик бўлган жаҳонда энг катта турбина қуриш технологияси ишлаб чиқилди. Халқ хўжалигининг турли соҳалари учун Бутуниттифоқ тежамли электр моторларни кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Электрон приборлар ясашда СССР Фанлар академияси Металлургия институтининг коллективи ишлаб чиққан лазер пайвандлаш ва термик ишлов бериш методи кенг кўламда қўлланила бошланди.

В. И. Ленин нутқлари ёзувларини тиклаш борасида мутахассисларнинг машаққатли тадқиқотлари муваффақиятли якунланди. Авторлар эски грамофон ёзувларини тиклаш йўлларини топдилар. Натижада доҳийнинг 10 та тарихий нутқи ғоят сифатли ёзилган узоқ ўйновчи пластинкаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аэропортлар зонасида ҳавода қатнашни бошқарувчи Ватанда биринчи автомат системани яратган инженерларнинг меҳнати мукофот билан тақдирланди. Биринчи комплекти 1976 йил Ленинград аэропортида фойдаланишга топширилган Старт системаси 22 минг соатдан кўп вақт бетўхтов бузилмай ишлади. Ҳозирги вақтда бу система Ростов-Дон, Сочи ва Будапешт аэропортларида ҳам ишлаб турибди. Уни жорий этиш учиш хавфсизлигини, аэропортларнинг ҳаво кемаларини қабул қилиш қобилиятини анча оширди.

Мукофотга сазовор бўлган кўпгина ишлар фан билан практиканинг иттифоқи самарали чиқаётганлигини яққол кўрсатмоқда. Булар орасида Талнах Октябрь полиметалл конини қисқа муддатда ўзлаштириш, юқори сифатли чоксиз трубаларни кўплаб тайёрлаш принципиал янги технологиясини ишлаб чиқиш, бинолар ва кўприклар қуришда ишлатиладиган металл конструкциялар учун юксак самарали пишиқтирилган қурилиш пўлатини жорий этиш, Москва қурилиш индустрияси корхоналарида йиғма темир-бетон буюмлар тайёрлаш билан ниҳоясига етказилган тадқиқотлар бор.

Мукофот билан тақдирланган дарсликлар орасида таниқли терапевт, СССР медицина фанлари академиясининг академиги В. Василенко бошчилигидаги медиклар группасининг «Ички касалликлар пропедевтикаси» деган китоби, П. Ионкин ва бир группа авторларнинг «Электротехниканинг назарий асослари» китоби, В. Киселевнинг «Қурилиш механикаси» дарслиги ва филологлардан иборат авторлар коллективининг СССРда ва чет элларда манзур бўлган «Ҳаммага аталган рус тили» деган китоблар бор.

(ТАСС).

Ануфрий Иосифович ЖУКОВ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Ануфрий Иосифович Жуков узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 66 ёшида вафот этди. Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, талантли партия ходими ва журналист, социалистик Ватанимизнинг садоқатли ватанпарвари орамиздан кетди.

А. И. Жуков 1914 йили Псков областининг Пустошкино районидаги Лоповка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 15 ёшида матлубот кооперацияси системасида бошлади. 1933 йилдан 1960 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилиб, полк мактабининг курсанти даражасидан армия сиёсий бўлимининг катта инструкторигача бўлган йўлни босиб ўтди. В. И. Ленин номли Ҳарбий-сиёсий академияни тугатди. 1948 йилдан бошлаб армия матбуотида округ газеталарининг мухбири, бўлим мудири вазифаларида ишлади.

1960—1961 йиллари «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» республика журнали редакциясининг адабий ходими, бўлим мудири бўлиб меҳнат қилди. 1961—1975 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси вазифаларида ишлади. 1975 йилдан 1978 йилгача, пенсияга чиққунга қадар «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» республика журналининг бош редактори бўлиб турди.

Партия уни қаерга юбормасин, Ануфрий Иосифович Жуков ҳамма вазифаларда ўзини соф виждонли ходим, моҳир ташкилотчи, қобилиятли публицист сифатида намоён қилди. Ватанимиз А. И. Жуковнинг жанговар ва меҳнатдаги хизматларини юксак даражада баҳолаб, уни Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, СССРнинг саккиз медали билан мукофотлади, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган эди.

Садоқатли ўртоқ, принципиал коммунист Ануфрий Иосифович Жуковнинг ёрқин хотираси у билан ишлаган, уни билган барча кишиларнинг қалбида ҳамиша сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ИШЧИ ЛАУРЕАТЛАР

ВЦСПС СЕКРЕТАРИ И. М. ВЛАДИЧЕНКО БИЛАН СУҲБАТ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги — умумхалқ байрами тантанали кунида фан ва техника, адабиёт ва санъатнинг энг яхши намояндалари билан бирга ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимларнинг янги отряди СССР Давлат мукофоти лауреатлари сафига қўшилди. Бу кишилар шу фахрли номга меҳнатда эришган ғоят буюк муваффақиятлари туфайли сазовор бўлдилар.

Социалистик мусобақа илғорларига СССР Давлат мукофотининг берилиши бизнинг мамлакатимизда меҳнат аҳли эъзозланаётганлиги, улар ҳамманинг эътирофи ва ҳурматига сазовор бўлаётганлигини яна бир марта яққол кўрсатиб турибди. Партия ва халқ шавкатли меҳнатга, ташаббускорлик ва новаторликка муносиб даражада баҳо бермоқда.

Ишчи лауреатларни қаҳрамон ишчилар синфимизнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган меҳнат гвардиячилари, деб аташ учун тўла асос бор. Ўртоқ Л. И. Брежнев бу фазилатларни равшан ва ҳар жиҳатдан тўла очиб берди. «Эндиликда илғор киши, деб таъкидлаган эди Леонид Ильич, чуқур билимли, кенг маданий савияли, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўлган кишидир. У ўзини ишлаб чиқаришнинг хўжайини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамма ишлар учун жавобгар киши деб билади».

1979 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари орасида турли касб ва ихтисосдаги кишилар: саноат, қурилиш транспорт, қишлоқ хўжалик ходимлари бор. Аммо уларнинг ҳаммасининг муштарак фазилати фидокорона меҳнат қилиш, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмасликка интилишдан, ишлаб чиқаришда янги-янги ғалабаларга эришишдан иборат. КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун олиб борилаётган умумхалқ социалистик мусобақасининг иштирокчилари улар билан тенглашмоқдалар, улардан намуна олмоқдалар.

СССР Давлат мукофоти Донбассдаги «Торезское» шахта бошқармаси тозалаш забойи кон ишчилари бригадасининг бошлиғи В. Д. Тимченкога берилди. Унинг бригадаси 1971 йилнинг охирларидаёқ бир кеча-кундузда 1 минг тонналик маррани биринчи бўлиб эгаллади ва ўша вақтдан бери «минг тонначилар» сафида турибди. Ўнинчи беш йиллик тўрт йили топшириғини бу коллектив муддатидан илгари адо этди.

Тюмень областидан «Урайнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасида нефть ва газ қазиб чиқазувчи оператор Ф. Ф. Муковоз СССР Давлат мукофоти лауреати юксак унвонига сазовор бўлди. Унинг вахтаси нормадаги 48 та ўрнига 66 қудуққа хизмат қилмоқда, шу билан бирга бу қудуқлардан фойдаланишнинг юксак коэффициентини таъминламоқда.

«Амурсталь» металлургия заводининг пўлат қуювчиси В. В. Кандаков ўзининг фидойилиги ва ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳалоллиги билан ажралиб туради. У юқори малакали мутахассис бўлиб, паст легирланган маркалардаги пўлат эритиш технологиясини мукаммал эгаллаб оляпти. Иссиқлик режимидан моҳирлик билан фойдаланиш, меҳнатни яхши ташкил этиш, технологик операцияларни бирга қўшиб олиб бориш натижасида новатор буюртмалар бўйича пўлат эритишни 99,5 процентга қадар етказа олди.

Кўпгина машинасоз ишчиларнинг шавкатли меҳнати СССРнинг Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Биринчи Давлат подшипник заводининг темирчи штамповкачиси А. Е. Афонин бор. У илғор иш методларини қўлланиб ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириб, нормадаги битта горизонтал чўкичлаш машинасида хизмат қилиш ўрнига иккита шундай машинани ишлатишга ўтди. «Новокраматорск машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. П. Стрижак 1978 йилнинг ноябрида шахсий беш йиллик топшириғини бажариб бўлди ва меҳнат унумдорлигини икки баравар оширди. Ленинграддаги «Красний виборжец» ишлаб чиқариш бирлашмасининг прессловчиси Г. И. Гусев ва Владимир химия заводи экструдерининг машинисти А. Д. Магницкая ички резервларни излаш ва улардан фойдаланиш асосида юксак даражада иш самарадорлиги ва сифатига эришдилар.

Среднеуральск ГРЭСи энергетика блокларининг катта машинисти А. В. Курочкинга СССР Давлат мукофоти берилди. У 300 минг киловатт қувватли энергетика блокида штатга кўра икки машинист ўрнида бир машинист хизмат қилишга ўтиш ташаббускоридир.

П. П. Шчербаков номли Москва ипак комбинатининг тўқувчиси В. А. Боброва тармоқда нормадаги олтита станок ўрнига 19 та тўқув станогида ишламоқда. У беш йиллик бошланганидан бери ўн икки йилу тўрт ой топшириғини бажариб қўйди. Куровская меланж ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчиси Е. Д. Семейкина ҳисобида пландан ташқари йигирилган 294 тонна ип бор.

СССР Давлат мукофотининг қурувчи лауреатлари орасида «Бригаданинг беш йиллик топшириғини кам состав билан бажарамиз» деган янгилик ташаббускорларидан бири «Свердловсксовхозстрой» тресги механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. С. Кренев бор. Унинг бригадаси Октябрь байрамига тўрт йилу уч ой планини бажарди. Бригада беш йилликни В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача бажариш мажбуриятини олди. Пенза территориал қурилиш бошқармасининг В. А. Ушаков бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси объектлар қуриш муддатларини нормага нисбатан уч ойдан кўпроқ қисқартирди.

Раҳбарлари Ватаннинг юксак баҳосини олган бригадаларда меҳнат унумдорлиги доимо кўтарилиб бормоқда, қурилиш сифати юксак даражада бўлиши таъминланмоқда. Граждан авиациясининг учувчилари қурувчиларга тобора кўпроқ ёрдам бермоқдалар. Ухта бирлашган авиация отрядининг вертолет командири Г. С. Мальцев мураккаб монтаж ишларини янгича бажариш технологиясини ишлаб чиқди. Печора шаҳри ёнидаги темир йўл кўпригини қуришда бу технологияни қўллаш меҳнат сарфини кўп марта қисқартиришга имкон берди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари шу йилги об-ҳаво шароитларида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Булар орасида илк чўлқуварлар жасоратини давом эттирувчилар — Қозоғистон меҳнаткашлари муносиб ўрин эгаллаб, қўриқ ерларни ўзлаштириш юбилей йилини рекорд ҳосил билан нишонладилар. Кустанай областидаги «Федоровский» совхозидан В. П. Левен ҳақиқатда ҳам республикада энг яхши ғаллакорлардан бири ҳисобланади. Унинг раҳбарлигидаги механизациялашган звено ишлаб чиқаришда доимо юксак кўрсаткичларга эришмоқда.

Наманган областидаги «Гигант» колхозидан пахтакор А. Турғуновнинг номи Ўзбекистонда яхши маълум. У бошчилик қилаётган бригада беш йилликнинг уч йили ичида 3,[illegible] минг тоннадан зиёд пахта териб топширди. Бригада коллективи бу йил ҳам жуда яхши ишламоқда.

К. Д. Себискверадзе Грузия чойкорлари орасида донг таратган киши. У ҳар гектар ерда 104 центнер чой барги етиштирмоқда.

Чорвачилик ходимларининг меҳнати ҳам зўр муваффақиятлар билан якунланди. Шу йилги СССР Давлат мукофотининг лауреатлари орасида Белоруссиядаги Гродно областининг «Кореличи» наслчилик заводидан машинада сигир соғиш оператори Т. В. Чубрик бўлиб, у ўзига бириктилган сигирлар группасидан 2600 центнердан кўп сут соғиб олди. Латвиядаги «Кекава» тажриба-намуна паррандачилик фабрикасидан бройлер етиштирувчи оператор С. Я. Петране ишлаб чиқариш майдонининг ҳар квадрат метридан 140 килограмм парранда гўшти олинишини таъминлади. Бурятиядаги «Боргойский» совхозининг катта чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Л. Рабдаев ҳар юз совлиқдан 130,5 тадан қўзи олди.

Лауреат ишчилар эришган меҳнат ғалабалари социализм табиатининг ўзида, жамият фаровонлигини кўзловчи эркин меҳнат замирида бўлган битмас-туганмас имкониятларни намойиш этади. Илғорлар эришган тажрибалар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини юксалтирувчи катта резервдир. Бу тажрибаларни кенг кўламда жорий этиш — ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришнинг муҳим шартидир.

(ТАСС).

ХАЛҚ УЧУН ИЖОД ҚИЛАЙЛИК

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ Г. М. МАРКОВ БИЛАН СУҲБАТ

Совет кўпмиллатли санъати янги ёрқин асарлар билан бойидики ана шу асарларнинг авторларига СССР Давлат мукофотлари берилди.

А. Коптеловнинг «Таянч нуқтаси» романи ёзувчи яратган трилогияни ниҳоясига етказади. Бу роман РСДРП II съездини ўтказишга тайёргарлик кўришга, В. И. Ленин билан унинг сафдошларининг марксизм душманларига қарши курашига бағишланган. Бу катта асар адабий Лениннномага қўшилган муносиб ҳиссадир.

Таниқли шоир В. Федоров мукофотга сазовор бўлди. Унинг шеър ва поэмалари совет кишисининг гўзаллигини тараннум этади, социалистик воқеликни фалсафий мушоҳада этади, уларда замондошларимизнинг ўй-фикрлари ва ҳис-туйғулари чуқур ифода этилади. Жумладан, шоирнинг адабий матбуотда 1976—1978 йилларда эълон қилинган шеърларини, унинг «Дон Жуаннинг уйланиши» поэмасини ва бошқа асарларини китобхонлар самимий кутиб олдилар.

Шоир Р. Рождественский ҳам шу йилги лауреат бўлди. Унинг асарлари ғоят кўпчиликка манзур бўлмоқда. «Шаҳар овози» шеърлар тўплами ва «Икки юз ўн қадам» поэмаси Ватан адабиётида сезиларли воқеа бўлиб, улар лирик ҳис ҳаяжон ва публицистик ўткирлик билан яратилгандир.

Янги лауреатлар орасида П. Проскуриннинг эпопеяси асос қилиб олинган «Дунёвий ишқ» ва «Тақдир» кинодилогиясининг ижодкорлари бор. Авторлар экранда жаҳонда биринчи социалистик давлатни барпо этган ва ўз ғалабаларини Улуғ Ватан уруши фронтларида қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолган совет халқининг мужассам образини яратдилар. Кинодилогия ижодкорлари — ёзувчи П. Проскуринга, режиссёр ва актёр Е. Матвеевга, операторлар марҳум Г. Цекавойга ва В. Якушевга, рассом С. Валюшкога, артистлардан З. Кириенко, О. Остраумовага, Ю. Яковлевга ва В. Заклунаяга СССР Давлат мукофоти берилди.

Режиссёр Л. Шепитько ва оператор В. Чухнов ижодий иш айни қизиган пайтда бевақт оламдан ўтдилар. Комитетимизда уларнинг сўнгги асари — «Камолот» фильми муҳокама этилаётган вақтда ана шундай бўлди. Бу асар совет кишисининг мардлигини, матонатини ва ғалабага бўлган ишончини тараннум этади. Сўнгги йиллардаги фильмларнинг яратилишидаги юксак кинематографик маҳоратлари учун марҳум режиссёр билан марҳум операторга мукофот берилди.

А. Иванов романи асосида суратга олинган «Мангу даъват» кўп серияли телевизион бадиий фильми кўп миллионли томошабинлар аудиториясининг катта ва мутлақо асосли қизиқишини уйғотди. Сценарий автори, ёзувчи А. Иванов, съёмка группасининг қатнашчилари — В. Краснопольский Ледов ва В. Усков бошчилигидаги операторлар, рассомлар, артистлар Сибирь қишлоғи ҳаётининг кенг манзарасини тасвирлаган, аср бошидан то Улуғ Ватан урушининг биринчи йилларигача мамлакат билан бирга йўлни босиб ўтган қаҳрамонларни ишонарли ва бадиий ифодали қилиб кўрсатган асарни яратганликлари учун Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

«Октябрь ва тинчлик ҳақида қисса» ёрқин ҳужжатли фильми авторлари — сценарийчи А. Иванов (Блатов) ва режиссёр В. Осьминин лауреат бўлдилар. Публицистлар ўз қиссаларини Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий босқичларига бағишлаганлар. Томошабин Коммунистик партия, Совет ҳукумати, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш йўлида» баҳодирона куч-ғайрат сарфлаётганликларининг шоҳиди бўлади.

Тошкентда В. И. Ленин ҳайкали монументининг атоқли санъаткор, СССР халқ рассоми Н. Томский ижодида Ленин мавзуининг муносиб давоми бўлди. СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган бу асар ҳар бир совет кишисига азиз ва яхши таниш бўлиб, ҳайкалтарош ҳамиша янги пластик воситалар билан акс эттирган революция доҳийси образи битмас-туганмас эканлигининг яна бир ёрқин далили бўлиб хизмат қилади.

«Известия» газетасининг янги биносида «Инсон ва матбуот» мозаикасининг авторлари — таниқли рассомлар Н. Андронов билан А. Васнецов ҳам лауреат бўлдилар. Гражданлик тафаккури аниқлиги ва юксак профессионализми ўзида мужассамлаштирган бу иш ҳозирги замон монументал санъатининг катта асаридир.

Украиналик рассом Т. Яблонская ижоди учун ҳозирги замон билан халқ анъаналарини узвий боғлаш характерлидир. Унинг мукофотга сазовор бўлган «Зигирпоя» расми рассом муваффақият билан ишлаб чиқаётган меҳнат мавзуини, одам ва унинг табиат билан уйғунлашиб кетиши мавзуини ривож топтиради.

Профессор И. Кукарс раҳбарлик қилаётган Латвиянинг халқ хорлари Бутуниттифоқ майдонида ва халқаро майдонда кўп миллатли совет санъатини муносиб равишда намоён этмоқда. Юксак маданиятли музикачи, мамлакатимиздаги хор дирижерлари сафида етакчи ўринлардан бирини ҳақли равишда эгалловчи киши раҳбарлигидаги коллективларнинг янги концерт программалари бу йил Давлат мукофотига сазовор бўлди.

«Давид Сасунский» опера-балети билан «Ленин партиясига шон-шарафлар» вокал симфоник поэмасининг автори арман композитори Э. Оганесянга мукофот берилди. Унинг асарлари қаҳрамонлик ва лирикани, ёрқин ҳиссиёт ва кудратли ақл-идрокни уйғунлаштиради, бу асарлар Ватан ва жаҳон санъатининг бой анъаналарига ҳамиша таянади.

М. Фрадкин асарларини барча авлод кишилари биладилар ва севадилар. Унинг мукофотга сазовор бўлган сўнгги йиллардаги қўшиқларида гражданлик пафоси билан чуқур инсонийлик, оҳанрабоглик билан интонациянинг замонавийлиги қўшилиб кетади.

Тарихга бугунги назар билан қараш, ўтмиш воқеаларини бугунги идеаллар нури билан чароғон этиб талқин эта билиш Тбилисидаги Руставели номли театр саҳнасида «Кавказнинг муҳофаза чизиғи» спектаклини яратганлар учун хосдир. Б. Брехт асарини юксак саҳна маданияти, актуаллик ва замонавийлик билан акс эттирган режиссёр Р. Стуруа бошчилигидаги коллективга мукофот берилди.

Халқаро болалар йилида болаларга аталган «Тулки билан қуён», «Лайлак билан турна», «Туманда қолган типратикон» мультипликацион фильмларнинг яратувчиларига мукофот берилди. Инсониятнинг сўнмас қадр-қимматига бағишланган бу асарлар болаларни яхшиликка, бир-бирига ёрдам беришга, ҳушёрликка ўргатади: буларда халқимизнинг донолиги, қалбининг бойлиги ва олижаноблиги мужассамланган, дейиш мумкин.

Ўн икки томли «Умумий архитектура тарихи»нинг нашр этилиши мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Шу фундаментал асарга энг кўп ҳисса қўшган авторлар коллективининг қатнашчилари давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Кекса совет ёзувчиси В. Шкловскийнинг «Эйзенштейн» деган китоби ҳақли равишда мукофот билан тақдирланди, зеро унда совет кино санъатининг донгини жаҳонга ёйган санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди чуқур ва мароқли тадқиқ этилган.

Санъатшунослик доктори И. Зилберштейн ёзган «Декабрист рассом Николай Бестужев» китобини бир умрлик жасорат деб айтиш мумкин. Тадқиқотчининг кўп йиллик бетиним меҳнати туфайли декабристнинг узоқ даврни бизга яқинлаштирган бадиий мероси ҳозирги замон маданиятининг мулки бўлиб қолди.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.05 — Севги, ёнғин ва Помпиеро. Бадиий фильм. 12.10 — Фильм-концерт. 13.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Шахмат мактаби. 16.40 — Бил ва уддала. 17.25 — А. Эшпай асарларидан концерт. 18.00 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Халқ куйлари. 19.30 — Анголанинг мустақиллик кунига бағишланган кинопрограмма. 20.20 — Учрашув жойини ўзгартиришнинг иложи йўқ. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Қушлар байрами. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Биринчи пост. Телефильм. 20.00 — Адабиёт санъат ва архитектура соҳасида 1979 йилги Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреатлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати «Динамо» (Киев) — «Пахтакор».

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.05 — Фрунзе кўрсатувлари.

12 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Сиз яратган боғ. 16.45 — Мунозара-клуб. 18.00 — Концерт. 18.35 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 19.15 — Мультфильм. 19.35 — Бизнинг қонун. СССР Олий суди раисининг ўринбосари Е. А. Смоленцев сўзи. 20.00 — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Сурков чалади. 20.25 — Санъат усталари. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.40 — Жонажон ўлкам. 19.10 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёш овозлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Телевизион театр.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

18.40 — «Авлиё Лука»нинг қайтиши. Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар.

РАДИО

11 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.30 — Солдат мактублари. 10.45 — Танбур тароналари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Ҳам гўшт, ҳам мўйна. 13.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Лариса Кандалова куйлайди. 14.00 — Ильич район хўжаликларида. 18.15 — Ёшлик. 19.45 — Спорт программаси. 20.25 — Ҳ. Носирова ва С. Кобулова концерти. 21.00 — Табассум. 22.28 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

12 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Доҳийга ҳайкал. 9.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Латвия телевидениеси ва радиосининг енгил куйлар оркестри чалади. 14.00 — Хўжайлининг «оқ олтин» хирмони. 18.15 — Сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг таъсирчанлиги учун. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секторининг мудири И. Раҳмонкулов сўзи. 18.50 — Ёшлик. 20.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.00 — Идеология ишида ижтимоий фанлар ролининг орта бориши. 22.28 — Ҳ. Муҳаммад ва Б. Исроилов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи ва Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзовга отаси

Акром Нурмуҳамедович НИЕЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Корейс тилида чиқадиган республикалараро «Ленин кичи» газетаси редакцияси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси ҳамда «Правда» газетасининг Тошкент бўлими партия ташкилоти Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ленин кичи» газетасининг Ўзбекистондаги мухбири

КИ СЕК ПОКнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективи бўлим мудирининг ўринбосари М. А. Эшонхўжаевга рафиқаси

Муяссар Аъзамовна ЭШОНХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1925 йилдан буён КПСС аъзоси

Мухтор ХАБИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. 07564. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 259.